



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-509

« ___ » _____ 20__ г

Бандихон тумани “Ойбек” массиви “Бектепа” маҳалласидан “MUHAMMAD YUSUF RABBITS” оилавий корхонасига “Қуёнчилик комплекси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/618-сон йиғилиш баёни, Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 29 июлдаги 01-05/1157-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/618-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Ойбек” массиви “Бектепа” маҳалласидан “MUHAMMAD YUSUF RABBITS” оилавий корхонасига қишлоқ хўжалик харитасининг 279қ-дала контуридаги 0,20 гектар яйлов ер майдони “Қуёнчилик комплекси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “MUHAMMAD YUSUF RABBITS” оилавий корхонаси “Қуёнчилик комплекси” қуриш мақсадида 0,20 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 3 329 004 (уч миллион уч юз йигирма тўққиз минг тўрт) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг bajarилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов